

ФУКАРОЛИК ҲУҚУКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Хушбоқова Нигора Гайрат қизи

*Термиз давлат университети Юридик факультети
Юриспруденция таълим йўналиши З-босқич талабаси*

Nigora.0303@icloud.com

Аннотация: уибубу мақолада фуқаролик жамиятини шакллантириши, инсон ҳукуқ ва эркинликларини таъминлаш ва бу ҳуқукларни ҳимоя қилишининг самарали механизmlари, шу билан бир қаторда, жамиятда ижтимоий муносабатлар субъектларининг ҳуқукларини ҳимоя килиши усули ва воситалари кенг ёритилган.

Калит сўзлар: битим, натура, неустойка, зарар, маънавий зарар, номулкий ва мулкий ҳукуқлар, кредитор, қарздор ва ҳ.

Ўзбекистон Республикасида демократик ҳукукий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳукуқ ва эркинликларини таъминлаш ва бу ҳуқукларни ҳимоя қилишининг самарали механизмини яратиш муҳим вазифа ҳисобланади. Мазкур муҳим стратегик вазифаларни бажариш, кўп жиҳатдан, жамиятда ижтимоий муносабатлар субъектларининг ҳуқукларини ҳимоя килиш усули ва воситаларининг мукаммаллигига боғлиқ.

Бугунги кунда инсоннинг мулкий, шахсий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқукларини ҳимоя қилиш усул ва воситаларининг анчагина мукаммаллашган тизими мавжуд. Бироқ, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари ва воситалари барча ҳукуқ соҳалари йўналишларида ҳам мукаммал тизимга эга, деб айтиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 11-моддасига мувофиқ, фуқаролик ҳуқуқлари қуийидаги йўллар билан ҳимоя қилинади:

- ✓ ҳуқуқни тан олиш;
- ✓ ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғедирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;
- ✓ битимни ҳақиқий эмас деб топши ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш;
- ✓ давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарии органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топши;
- ✓ шахснинг ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиши;
- ✓ бурчни аслича (натура) бајаршига мажбур қилиши;
- ✓ зарарни тўлаш;
- ✓ неустойка ундириши;
- ✓ маънавий зиённи қоплаш;
- ✓ ҳуқуқий муносабатни бекор қилиши ёки ўзгартиши;
- ✓ давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарии органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги.

Фуқаролик ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган бошқача усуллар билан ҳам ҳимоя қилиниши мумкин.¹

Ушбу моддада фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларининг рўйхати келтирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоялашнинг иқтисодий ва суд амалиётида энг кўп учрайдиган 11 усули келтирилган.

Аммо ушбу рўйхатни узил-кесил деб атаб бўлмайди. Фуқаролик ҳуқуқини қонунда назарда тутилган бошқа усуллар билан ҳам ҳимоялашга йўл қўйилади. Бир пайтнинг ўзида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоялашнинг бир неча усулини қўллаш истисно қилинмайди.

Фавқулодда ҳолатларда, қонунчилик талаблари юзасидан ёки бузилган (даъво қилинган) ҳуқуқнинг хусусиятидан келиб чиқиб, у факат муайян усул билан ҳимоя қилиниши лозим. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоялашнинг усуллари, мазкур усулларни амалга ошириш механизмига боғлиқ равишда бўлниши мумкин

Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларининг вужудга келиши:

1) факат суд томонидан, айрим ҳолатларда эса бошқа ваколатли давлат органлари томонидан қўлланадиган усуллар, бу эса муайян усул воситасида ҳимоя қилиш тўғрисида уларга илтимоснома билан мурожаат қилиш заруратини назарда тутади (ҳуқуқни тан олиш, ҳуқуқ бузилгунига қадар мавжуд бўлган ҳолатни тиклаш, ҳуқуқни бузувчи ҳаракатларни тўхтатиш ва х.);

2) ҳуқуқий муносабат иштирокчиси томонидан мустакил равишда қўлланадиган усуллар (ўз-ўзини ҳимоялаш, қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, мажбуриятларни бажаришдан бир томонлама воз кечиш йўли билан ҳуқуқий муносабатларни бекор қилиш ва б.);

3) ҳам суд органларининг ёрдами билан, ҳам мустакил тартибда қўлланадиган усуллар (зарарни қоплаш, неустойка ундириш ва б.).

Ҳуқуқ субъектлари томонидан бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашнинг турли усуллари ва чораларини қўллаш имконияти субъектив фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишнинг кафолатларидан бири бўлиб хизмат қиласди.

Ҳуқуқни тан олиши

Профессорлар X. Р. Раҳмонкулов ва О.О.Оқюловларнинг таъкидлашича, ҳуқуқни тан олиш билан мазкур шахсда ҳуқуқ мавжудлиги юзасидан вужудга келадиган гумонлар бартараф этилади. Мазкур шахсда ушбу субъектив ҳуқуқнинг мавжудлиги ёки йўқлигини юрисдикция органи сифатида фақат суд тасдиқлаши ёки рад этиши мумкин. Фуқаролик ҳуқуқларини тан олишнинг усулларидан бири сифатида ҳуқуқни тан олиш шахсда субъектив ҳуқуқ мавжудлиги бирон кимса томонидан инкор қилинса, натижада низо юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларда қўлланади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. (2021 йил 1 марта бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси www.lex.uz (расмий манба) асосида. Тошкент “Yuridik adabiyotlar publish” 2021. <https://lex.uz/docs/111189>

Масалан, шахс суд томонидан мусиқий ёки ўзга асарнинг муаллифи деб тан олинса, шу таҳлит суд мазкур ҳуқуқни бошқа шахс томонидан ўзлаштирилиши имконини бартараф этган бўлади. Нотураржой битта хонага бир нечта юридик шахс мулк ҳуқуқини даъво қиласиган ҳолатлар учраб туради. Мазкур нотураржой хонасига ушбу юридик шахслардан бирининг мулк ҳуқуқини суд томонидан тан олиниши низони кейинчалик давом этишини истисно қиласи.

Ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини түгдиралини ҳаракатларнинг олдини олии

Ҳуқуқ бузилгунга қадар мавжуд бўлган ҳолатни тиклаш ҳамда ҳуқуқни бузувчи ёки уни бузиш хавфини юзага келтирувчи ҳаракатларни тўхтатиш субъект ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кенг тарқалган усули ҳисобланади.

Ҳуқуқ бузилгунга қадар мавжуд бўлган ҳолатни тиклаш, ҳимоя усули сифатида, энг аввало, ҳуқуқнинг бузилиши оқибатларини бартараф этишга қаратилган бўлиб, ҳуқуқий муносабат субъектларини бузилишгача бўлган дастлабки ҳолатга қайтаришдан иборат. Бунга, ўзганинг ер участкасида ўзбошимчалик билан иморат қурган шахсни уни бузиб ташлашга мажбур қилиш (**ЎзР ФК- 212-моддасининг З-қисми**), шунингдек, ҳақиқий бўлмаган битим оқибатларини қўллашда икки тарафлама реституция (**ЎзР ФК 114-моддаси**) ёки низоли битимни ҳақиқий эмас деб топиш (**ЎзР ФК 113-моддаси**) мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш

Битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва уни ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоялашнинг усули сифатида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 113-128-моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

Фуқаролик кодексининг 113-моддасига кўра, ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларга олиб келмайди ва у тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий эмасдир.

Битим ҳақиқий бўлмаганида ъарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб берши, олинган нарсани аслича (шу жумладан олинган нарса мол-мулқдан фойдаланиши, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан ифодаланганда) қайтариб берши мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини нут билан тўлаши шарт.

Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимларга келсак, бундай битим, низоли битимдан фарқли равища, суд томонидан унинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигини албатта тан олинишини талаб этмайди. Аммо ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимни ҳақиқий эмас деб топиш талабини қўйиш имкони ЎзР ФК томонидан истисно қилинмайди. Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳақиқий эмаслигининг оқибатларини қўлланиш тўғрисидаги талабни ҳар қандай манфаатдор шахс қўйиши мумкин. Шу билан бирга суд, бирон шахснинг бузилган субъектив ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида бундай оқибатларни ўз ташаббуси билан қўллашга ҳақли (ФК 113-моддаси).

Давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органининг хужжатини ҳақиқий эмас деб топиши

Давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органининг қонун хужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқаронинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган хужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Бошқарув соҳасидаги хужжат ва ҳаракатларнинг суд томонидан текширилиши фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва уларга риоя қилишнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қиласди. Суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин бўлган давлат органининг хужжати деб Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 8-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган ва қонун томонидан фуқаролик ҳуқуқ ҳамда бурчларининг вужудга келиши учун асос сифатида назарда тутилган хужжатлар тушунилади. Бундай хужжатлар сирасига фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини тасарруф қилиш бўйича ҳаракатларини ўз ичига олган буйруқлар, кўрсатмалар, хатлар ва бошқа хужжатлар киритилиши мумкин.

Шахснинг ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиши

Фуқаролик кодексининг 13-моддасига кўра, фуқаролик ҳуқуқларини шахснинг ўзи ҳимоя қилишига йўл қўйилади.

Фуқаролик ҳуқуқларини шахснинг ўзи ҳимоя қилиши усуллари ҳуқуқни бузилишига мутаносиб бўлиши ҳамда ҳуқуқ бузилишининг олдини олиши учун зарур ҳаракатлар доирасидан чиқиб кетмаслиги керак.

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бошқа усулларидан фарқли равишда, шахснинг ўзини ҳимоя қилиши судга ёки фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоясини амалга оширувчи бошқа органга мурожаат қилмасдан амалга оширилади. Ҳимоянинг мазкур усулидан фойдаланиш учун биргаликда учта шартнинг мавжуд бўлиши талаб этилади:

- а) ҳуқуқнинг бузилиши ёки уни бузилиш эҳтимоли (хавфи);**
- б) бузилишни тўхтатиш, бархам бериш (олдини олиш) зарурати;**
- в) ҳуқуқ бузилишининг хусусияти ва мазмунига мос келувчи чораларнинг қўлланиши.**

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, ҳуқуқий демократик давлат шаклланиб боргани сари фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти ҳам ошиб боради. Бундай шароитда фуқаролик ҳуқуқларини ҳуқуқ эгаси томонидан ўзини ўзи ҳимоя қилиш усулини қўллаш доираси ҳам кенгайиб бориши лозим. Ўзини ўзи ҳимоя қилиш усулининг кенг қўлланилиши эса, ҳуқуқни ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорадар ва суд томонидан аралашув заруриятини муайян жиҳатдан камайтиради. Бироқ, ўзини ўзи ҳимоя қилиш усули муайян ҳуқуқий асосга эга бўлиши лозим. Ушбу ҳуқуқий асосларда ўзини ўзи ҳимоя қилишни қўллаш ҳолатлари, шартлари, доираси, қўлланиладиган ҳимоя воситалари, уни суиистеъмол қилиш окибатлари батафсил тартибга солинмоғи лозим.²

² Топилдиев, В.Р. “Фуқаролик ҳуқуқи” 1-қисм. Тошкент “Университет” 2014

Бурчни аслича (натура) бажаршишга мажбур қилиши

Одатда реал (хақиқий) бажариш деб аталувчи, мажбуриятни натура шаклида бажаршишга мажбур қилиш фуқаролик ҳукуқларини ҳимоя қилишнинг усулларидан биридир. Яъни қарздор шартнома ёки қонунда унинг зиммасига юклатилган мажбуриятни бажаршишга мажбурланади (товарни топшириш, хонани тақдим этиш ва ҳ.к.).

Масалан, қарздор мажбуриятни тегишли тарзда бажармаганида кредитор ундан мажбуриятни натура шаклида бажаршишни, яъни мажбуриятнинг моҳиятини ташкил қилувчи ҳаракатларни содир этишни талаб қилишга ҳақли бўлади (ФК 330-моддаси 1-қисми). Аммо мажбуриятни бажармаганида заарларнинг қоплаши ҳамда бажармагани учун неустойка тўлаши қарздорни мажбуриятни натурада ижро этиш мажбуриятидан озод қиласи (ФК 330-моддаси 2-қисми).

Бошқа бир мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 408-моддасини кўрсатиш мумкин, унда сотиб олувчининг товарда аниқланган камчиликларни бепул бартараф қилишни ёки камчиликларга эга товарни алмаштириб беришини сотувчидан талаб қилиш ҳукуқи назарда тутилади.

Мажбуриятни натура шаклида бажаршишнинг реал имконияти сақланиб қолган тақдирдагина мажбуриятни натура шаклида ижро этиш талаби қондирилиши мумкин. Акс ҳолда гап заарларни қоплаш ёки товар қийматини қоплаш ҳақида кетиши мумкин.

Зарарни тўлаши

Фуқаролик кодексининг 13-моддасига кўра, агар қонун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўлаши назарда тутилмаган бўлса, ҳукуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қопланишини талаб қилиши мумкин.

Зарар шахсий номулкий ёки мулкий ҳукуқлари бузилиши натижасида шахсда вужудга келувчи салбий мулкий оқибатлардир. Зарарни қоплаш бузилган фуқаролик ҳукуқларини ҳимоялашнинг универсал усули бўлиб, муайян вазиятда қонунда бундай имконият назарда тутилган ёки тутилмаганидан қатъи назар, ҳам **шартномавий** (масалан, қарздор томоннинг тузилган шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаслиги ёки тегишли тарзда бажармагани натижасида), ҳам **шартнома доирасидан ташқари** бўлган муносабатларда (масалан, авария натижасида мол-мулк ёки соғликка зарар етказилганда) қўлланиши мумкин.

Неустойка ундириши

Фуқаролик кодексининг 260-моддасида неустойка тушунчаси келтирилган.

Унга кўра, қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси неустойка ҳисобланади.

Моҳиятан неустойка нафақат фуқаролик ҳукуқларининг ҳимоялаш усули, балки мажбурият бажарилишини таъминлашнинг ҳам усулидир. Яъни, худди кўрилган зарар каби, неустойканинг таркибий қисмларидан бири унинг компенсация вазифасидир. Нестойкадан фарқли равища, мажбуриятни бажармаслик ёки тегишли

асосда бажармаслик оқибатида етказилган заарлар, қонунчиликда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қарздор томонидан кредиторга қоплаб берилиши шарт.

Маънавий зиённи қоплаш

Фуқаролик кодексининг 1022-моддасига кўра, маънавий заарар пул билан қопланади.

Маънавий заарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний вв маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда заарар етказувчининг айби дарајасига қараб суд томонидан аниқланади. Заарни қоплаш миқдорини аниқлашда оқилоналик ва адолатлилик талаблари эътиборга олинади.

Жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти маънавий заарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан баҳоланади.

Маънавий заарар тўланиши лозим бўлган мулкий заардан қатъи назар қопланади.

Хуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириши

Томонларнинг келишуви, мажбуриятларнинг бажарилиши ва бошқа қонуний йўллар билан мажбуриятларнинг бекор бўлиши ёки ўзгартирилиши фуқаролик хукуқларини ҳимоялаш воситасидан фойдаланиш деб қаралиши мумкин эмас. Бундан, хуқуқий муносабатларни тўхтатиш ёки ўзгартириш ҳимоя воситаси сифатида агарда томонлардан бирининг бир томонлама аризаси бўйича, бошқа томон шартномани жиддий бузганда ёки қонунчилик ёхуд шартномада назарда тутилган бошқа асосларда, хуқуқий муносабатлар бекор бўлганда ёки ўзгартирилганда қўлланади. Бунда хуқуқий муносабатлар ҳам томонларнинг келишуви билан, ҳам суднинг қарори билан бекор бўлиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органининг қонунга зид хужжатини суднинг қўлламаслиги

Давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг қонунга зид бўлган хужжатини суд томонидан қўлламаслик фуқаролик хукуқларини ҳимоя қилишнинг ўзига хос алоҳида усули ҳисобланади. Бу ҳолда хужжат деганда ҳам норматив, ҳам муайян шахс ёки шахслар гурухига йўналтирилган норматив бўлмаган тартибда хукуқни қўллаш хужжатини тушуниш керак. Бу ҳолда суд томонидан қонунни қўлламаслик имкони истисно қилинади, чунки ҳимояланишнинг кўриб чиқилаётган усулинни қўллашлик учун асос хужжатнинг қонунга зидлигидир.³

Фуқаролик хукуқлари қонунда назарда тутилган бошқа усуллар билан ҳам ҳимояланиши мумкин. Қарздор ашёни топшириш, ишларни бажариш, хизмат

³ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги, юридик фанлари доктори, профессор Х. Р. РаҳмонҚулов, Юридик фанлари доктори, профессор О. О. Оқюлов таҳрири остида.

Тошкент «Вектор-Пресс» 2010. <https://www.osce.org/files/f/documents/8/7/74875.pdf>

кўрсатиш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганида кредитор томонидан уни бажаришни учинчи шахсларга топшириши ёки барча зарур харажатларни қарздорга юклаб ўзи бажариши фуқаролик хукуқларини ҳимоя қилишнинг шундай усулига мисол бўлиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 10-моддасига биноан бузилган хукуқларни фуқаролик хукуқларини процессуал қонунларда ёки шартномада белгилаб қўйилганидек, ишлар қайси судловга тааллуқли бўлишига қараб, суд, иқтисодий суди ёки ҳакамлик суди томонидан ҳимоя қилинади. Конунда назарда тутилган ҳоллардагина фуқаролик хукуқлари маъмурий тартибда ҳимоя қилинади. Маъмурий тартибда қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. (2021 йил 1 марта бўлган ўзgartиш ва қўшимчалар билан). Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси www.lex.uz (расмий манба) асосида. Тошкент “Yuridik adabiyotlar publish” 2021. <https://lex.uz/docs/111189>
2. Топилдиев, В.Р. “Фуқаролик хукуқи” 1-қисм. Тошкент “Университет” 2014;
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ . 1-жилд. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги, юридик фанлари доктори, профессор Х. Р. Раҳмонқулов, юридик фанлари доктори, профессор О. О. Оқюлов таҳрири остида. Тошкент «Вектор-Пресс» 2010.
<https://www.osce.org/files/f/documents/8/7/74875.pdf>